Ушбу сонда:
2 АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ
3 «Аёл ва жамият» НОЗИК ҚЎЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ
4 ҚИЛМИШ ҚИДИРМИШ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 13 апрел, сешанба №41 (688)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Шу йил 31 март куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган эди. Москвада жойлашган ушбу даргоҳнинг президиуми Ўзбекистон раҳбарини мамлакатда илм-фан ва таълимни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида ушбу унвонга сазовор, деб топган. 12 апрел куни Халқаро академия президенти В.Шукшунов Ислом Каримовга фахрий аъзолик дипломини тақдим этди.



Суратда: Тақдимот пайти А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Россиялик меҳмон дипломни топширар экан, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан бемисл экани, унинг замонга мослиги ва ҳар қандай талабга жавоб беришини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдига қўйган улкан мақсадларига таълим соҳасини кенг миқёсда ислоҳ қилиш ва кучайтириш орқали эришиш мумкинлигини яхши англаб етиб, бу борада барча имкониятларни ишга солмоқда. Бунда, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг ўрни беқиёсдир, деди В.Шукшунов.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги таълим соҳасида рўй берган ва бераётган улкан ўзгаришлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатида кузатилмайди. Япония, АҚШ, Канада сингари ривожланган давлатларда ҳам ялпи миллий маҳсулотнинг 4-5 фоизи ёшлар таълим-тарбиясига қаратилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 1998 йилда 7,6 фоизни ташкил этди. Жорий йилда уни 8,1 фоизга чиқариш режалаштирилган.

Президент Ислом Каримов халқаро академия дипломини қабул қилиб олар экан, бу ҳужжат Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг эътирофи эканини, илмнинг миллати бўлмаслигини таъкидлади. Ҳаёт - кураш, янги аср арафасида бу курашда кўп нарсани ақлий салоҳият ҳал қилади - фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишга киришганимизнинг бош сабаби ҳам шу, деди Ислом Каримов.

ХХ1 аср бўсағасида ақлий салоҳиятнинг, таълим соҳасига сарф қилинаётган маблағларнинг аҳамиятини англаб олиш қийин эмас. Япония, Жанубий Корея мисоллари шуни кўрсатдики, таълим соҳасига ётқизилган сармоя орадан маълум вақт ўтгач, жуда салмоқли самара беради. Шу боис мамлакатимиз ҳукумати янги миллий дастур ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий қила бошлади. Ҳозир ишлаётганлардан ташқари, яна мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва икки юздан зиёд академик лицейлар қуриш режалаштирилган. Уларда дарс бериш учун юзга яқин тармоқ бўйича қарийб эллик минг нафар муаллим тайёрлаш кўзда тутилган. Қолаверса, янги илм даргоҳларининг самарадорлигини ошириш учун уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишига халқаро молиявий ташкилотлар жалб этилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаган бир омилга эътибор қаратишимиз лозим. Ҳеч бир мамлакатда бошланғич ёки ўрта таълим даргоҳини тугатган ўсмирларнинг қанчаси ўз ўрнини топиб кетяптию, қанчаси бекор юргани жиддий. тадқиқ этилмайди. Ваҳоланки, улар онги, тафаккури, дунёқараши энди шаклланаётган ёшлардир. Ўша пайтда улар очиқ денгиздаги кемага ўхшаб қолади - фойдали томонга бурилса, жамият ва давлат равнақи учун айни муддао, аксинча бекорчилик туфайли қинғир йўлларга юрса, кони зарар бўлади. Эндиликда мамлакатимизда бошланғич ёки ўрта таълимга эга бўлган ўсмирлар камида битта касбнинг эгаси ҳам бўлади. Бу эса, шубҳасиз, ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг дипломини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, В.Голишев, Т.Рисқиев, Н.Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Караматов иштирок этди.

(ЎзА)

«Элим деб, юртим деб...»

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, маданият ва санъат арбоблари ҳамда журналистлар билан ҳамкорликда «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деб номланган ислоҳот жонкуярлари ижодий гуруҳини ташкил этди. Ижодий гуруҳ олий ва махсус ўқув юртларининг талаба-ўқувчилари, жойлардаги меҳнат жамоалари, маҳаллаларда Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмунини атрофлича тушунтириш, маънавий-ахлоқий, диний ва ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш, мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар ўтказиш, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ғоя, миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш ва бадиий эстетик эҳтиёжларини қондириш вазифалари бўйича тарғибот ишларини олиб боради.

Ижодий гуруҳнинг биринчи учрашуви Тошкент шаҳри Яккасарой тумани маҳаллалари аҳолиси билан Бобур номидаги боғда бўлиб ўтди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов очди.

Йиғилганлар олдида Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф, таниқли санъаткорлар Маъмура Эргашева, Ғуломжон Ёқубов, Абдуҳошим Исмоилов, Рушана Султонова ва бошқалар сўзга чиқдилар ҳамда ўз санъатларини намойиш этдилар.

Ижодий гуруҳ қатнашчилари тузилган дастур асосида республика вилоятларида бўладилар.

Д.САИТОВА,
ЎзА мухбири

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 14 апрел куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 апрел куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва 14 апрел куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

13 апрел куни Олий Мажлисда «Адолат» Социал-демократик партияси фракциясининг ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишлари ўтказилади. «Ватан тараққиёти» партиясининг фракцияси ўз йиғилишини Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мажлислар залида ўтказади.

Бу йиғилишлар соат 15 да бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

12 апрел куни парламентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис раисининг ўринбосари Б.Бугров олиб борди.

Парламент депутатлари, Олий Мажлис Котибияти бўлимларининг раҳбарлари 14 апрелда Тошкент шаҳрида очиладиган сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларига якун ясадилар. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари, депутатлар Н.Исмоилов, Ў.Ҳошимов, Г.Йўлдошева қонун лойиҳалари, сессияга тааллуқли бошқа материалларнинг тайёрлигини маълум қилдилар, лойиҳалар юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазалар Олий Мажлис қўмиталарида ўрганиб чиқилаётганлигини, сўнгра улар ҳужжатнинг тугал варианти тайёрланаётганида ҳисобга олиниши ҳақида тўхталиб ўтдилар. Сессияга доир барча материаллар депутатларга барвақт жўнатилганлиги маълум қилинди.

Депутатлар ишчи гуруҳи томонидан қисқа муддат ичида ҳужжатлар устида ишлаш, сессияга келаётган депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт, тиббий ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш, шунингдек, мажлислар залидаги «РАДА-МАЖЛИС» овоз бериш электрон тизими пухта ишлашини таъминлаш мақсадида қисқа муддатларда қатор ташкилий техник масалалар ҳал этилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлис қатнашчилари Олий Мажлис депутатлари анъанага кўра сессия арафасида сайлов округларида ўз сайловчилари билан ўтказган учрашувларига якун ясадилар. Бундай учрашувлар юқори савияда, аҳоли кенг қатламининг фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этиши асосида ўтганлиги қайд этилди. Депутатлар бундай учрашувлар пайтида фуқароларга парламент сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг моҳиятини тушунтириб бердилар, тайёрланган ҳужжатлар юзасидан одамларнинг фикрини аниқладилар, мамлакатимиз раҳбарияти юритаётган сиёсатнинг мазмунини очиб бердилар.

Мажлисда шунингдек, Олий Мажлис ўн тўртинчи сессияси котибиятининг аъзолигига жойлардан кўрсатилган номзодлар масаласи кўриб чиқилди.

ДАДИЛ ОДИМ



Қарши туманидаги «Қовчин» савдо ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий вазифаси Қовчин фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган ва қўшни туманлар аҳолисининг озиқ-овқат ҳамда халқ эҳтиёжи маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга қаратилгандир.

Қовчин қишлоғи аҳолиси учун ушбу бирлашма ўз даромадлари ҳисобига автобекат, қишлоқ бозори, 2 та банк филиали бинолари, Деҳқонтепа маҳалласида янги савдо дўкони, 2 гектар ер майдонига эга бўлган мол бозори қурдириши ҳамда 50 ўринли қишлоқ шифохонасини табиий газ билан иситиш ускуналарини ўрнатиш каби хайрли ишларга бош-қош бўлди.

Аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бирлашма қошида чорвачилик мажмуаси ташкил этилди. Шунингдек, ўз фойдаси ҳисобига КАМАЗ (битта) русумли юк машинаси ва ВАЗ-2106 русумли енгил автомобил харид қилинди.

Ҳозирги кунда «Қовчин» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш борасида хорижий сармояларни жалб қилиш, қўшимча ишчи ўринларини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

Суратда: Эзгу мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилаётган макарон тайёрлаш цехининг устаси Икром Эшонқулов.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

9 май - Хотира ва қадрлаш куни

ХАЙРИЯ ТЕЛЕМАРАФОНИ

Нукусдаги Бердах номли театрда 9 май - Хотира ва қадрлаш куни нишонланиши муносабати билан телемарафон ўтказилди. Тадбирдан тушган маблағ Нукус шаҳри марказида бунёд этилаётган Хотира ва қадрлаш майдони мажмуи қурилишига сарфланади. Тадбирда юзлаб корхона, ташкилот ва муассасалар жамоалари, ўқув юртлари талабалари қатори минглаб оддий фуқаролар фаол қатнашди.

А.ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири



Қишлоғимизни бир-бир айланиб гўзал табиатига мафтун бўласиз. Оппоқ соқолли нуронийлар унинг чинаккам фахри. Биз - фахрийлар шу улуғ кунларни кўриш насиб этганлигидан Яратганга шукроналар қиламиз. Бутун умрини, салоҳиятини халқининг тинчлиги, бахт-саодатига бахшида этган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовга раҳматлар айтамиз, ул зоти олийга узоқ умр, метин ирода, мустаҳкам соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинганлиги бебаҳо иш бўлди. Кекса авлод уруш, унинг даҳшатларини яхши ҳис қилади. Бу борада тоғам Абдусамат Тойматовнинг жанговар ҳаёт йўли мен учун бағоят ибратлидир. У ҳарбий учувчи сифатида Ватан учун, қадрдон Ўзбекистонимиз, меҳрибон ота-оналаримиз, яқинларимиз деб беомон жангларда мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Қирувчи самолетни моҳирлик билан бошқариб душманга қирон келтирди. Тоғам қишлоғимизни, демакки, гўзал юртимизни жуда-жуда севарди. Яқинларим яхши эслайдилар, Тошкентлик мард ўғлонлар билан бирга фронтга жўнаш олдидан:

— Ватан тупроғини ўпиб, қасамёд қиламан, тинчимизни бузган, не-не мусибатларни бошимизга солган фашист газандаларига қарши муросасиз курашаман. Муборак ватан туйғуси бир он бўлсин, вужудимни тарк этмайди...

Армонлар билан яна шуни айтаманки, уруш кўпларни жигарларидан, яқинларидан жудо қилди. Тоғамнинг акалари Абдусодиқ Тойматов ўша суронли йилларда бедарак йўқолди. Аммо унинг номи ҳамиша барҳаётдир.

9 май тадбирларида табаррук инсонларни ёд этиш, уруш ногиронларига саховат кўрсатиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилади.

Мирсоли СУЛАЙМОН ўғли,
пенсионер, меҳнат фахрийси.

ВАТАН СЎЗИ НАҚАДАР АЗИЗ!

Конституциямиз - инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг кафолатидир

АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ

Шу муносабат билан эътироф этиш керакки, то 1990 йилгача ҳуқуқ назариясига бағишланган дарсликларда, илмий асарларда, юридик энциклопедия ва луғатларда «адолат» атамасига ўрин ажратилмас эди. Ҳатто, марксчаленинча давлат ва ҳуқуқнинг умумий назариясига бағишланган 150 босма табоқдан иборат уч жилдли асарда ҳам «адолат» деган лавҳани учратмайсиз. Шукурлар бўлсинки, мустақилликка эришган ватанимизда 1994 йилда қабул қилинган Жиноят ва Жиноят - процессуал кодексларида у биринчи марта таъкидланди. Зероки, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг самарадорлиги улар қабул қилган қарорларнинг одиллиги билан белгиланади. «Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари, - дейилади Кодекснинг 2-моддасида, - жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга нисбатан адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир».

Бинобарин, қонун ҳам, унинг амалиёти ҳам, жамиятда рўй берадиган ҳар қандай низо, айниқса жиноий қилмиш бўйича суднинг қарори ҳам адолатли бўлишига эришиш халқ осойишталигининг муҳим кафолатидир. Бу йўлда барча ўз ҳиссасини қўшиши, бурчини ҳалол бажариши, масъулиятини унутмаслиги талаб қилинади.

Жавобгарлик - шахснинг ўз фикри, интилиши ва қилмиши учун тўла масъул бўлиши демакдир. Ўзининг жавобгар эканини ҳис қилмаслик, жамият олдида ҳисоб беришни унутиш, ўзбилармонликка ружу қилишнинг пировард танбеҳ ва жазога олиб келади. Бунга йўл қўйган кимса эса ўз мавқеини йўқотади, обрўси ва шаънига доғ туширади, аҳлоқ - одоб нуқтаи назаридан ҳам таҳқирланади.

Ҳуқуқ бир томондан, имконият, имтиёз, енгилликлар берса, иккинчи томондан, масъулият, жавобгарлик, мажбурият юклайди. Ҳуқуқий давлат инсон ҳуқуқи ва эркинликларини тан олиб, улардан самарали фойдаланиш учун етарли шарт-шароитлар яратиб беришни ўз зиммасига олади. Давлат ва шахс ўзаро ҳуқуқий муносабатларда тенг, бир-бирларининг ҳуқуқларини тан олишга ва шунга кўра зарур мажбуриятларни бажаришга мажбур. Бир томоннинг ҳуқуқи иккинчи томон учун мажбурият туғдиради. Ҳуқуқидан фойдаланувчи ҳам, мажбуриятини бажарувчи ҳам бошқаларга зарар етказмаслиги шарт.

Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда уларнинг кафолатлари билан бир қаторда фуқароларнинг бурчлари ҳам ўз ифодасини топган. Улар Конституция ва қонунларга риоя қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қадр-қимматини ҳурмат қилиш, халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқлар, маҳаллий йиғимларни тўлаш ва ниҳоят, Ватанни ҳимоя қилишдан иборат. Бу бурчларни бажармаслик тегишли қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунбузарликнинг энг жиддий, ижтимоий хавфлиси жиноят тарзида таъқиб қилинади. Қилмиш жиноят эканини Жиноят кодексидаги нормалар воситасида аниқланади. У бевосита қонун билан тақиқланган, уни содир этганлик учун жиноий жазо чоралари кўзда тутилган бўлиши шарт. Лекин баъзи хатти-ҳаракатлар Жиноят кодексида баён этилган бўлса-да, уни содир этган шахс турли ҳолатларга кўра жиноий жавобгарликдан халос этилади. Чунончи, ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлгани сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган шахс жавобгарликка тортилмай, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши назарда тутилган. Жиноий қилмишга қасд қилиш ва тайёргарлик кўриш, жиноят содир этишдан ўз ихтиёри билан воз кечиш, зарурий мудофааланиш чоғида ёхуд охирги зарурат сабабли, ҳатто берилган буйруқни бажариш ва таваккалчилик билан боғлиқ хавфли хатти-ҳаракатлар учун ҳам фақат қонунда кўрсатилган баъзи ҳолларда жавобгарлик белгиланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судлар томонидан ана шу ҳолатларни баъзан амалиётда чуқур таҳлил қилинмаслиги ва тўғри баҳоланмаслиги оқибатида жавобгарлик масаласи одил ҳал этилмай қолади.

(Боши ўтган сонда)

Жавобгарликдан озод қилинган шахснинг ҳуқуқий мавқеи қонунга кўра турлича. У бирор ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этмаган ёхуд унинг қилмиши жиноят деб ҳисобланмай, батамом бегуноҳ эканлиги эътироф этилиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса шахс, унга эълон қилинган айб кам аҳамиятли эканини сабабли ёки авф эълон қилингани муносабати билан, бирор жиноятни содир этган - этмаганидан қатъи назар, жавобгарликдан озод қилинади. Бу ҳолларда у ўзини айбли деб ҳисобламай, иш тўла тергов қилиниб, уни судга юборишни талаб этишга ҳақли.

Жиноят - процессуал кодексида айбланувчининг розилиги билан уни жавобгарликдан озод қилишнинг бир қанча кўринишлари баён этилган. Чунончи, ҳатто бирор жиноятни содир этгани аниқланган шахс, агар у рози бўлса, жавобгарликка тортиш муҳлати ўтиб кетган «эски» жинояти учун, ижтимоий хавфлилиги йўқолган қилмишлари учун, ўз қилмишига чиндан пушаймон бўлгани, ёхуд руҳий касалликка учрагани учун ҳам жиноий жавобгарликдан озод этилади. Бўлар-бўлмасга жиноий жавобгар қилиш қонунларимизнинг инсонпарварлик руҳига мос келмайди.

Жазо - жавобгарликнинг оқибати, изтиробдан иборат таъсир чорасидир. Жавобгарлик аниқланмай жазолаш мумкин эмас. Баъзи ҳолларда қонун ҳатто жавобгарликка тортилган ва маҳкум этилганларни ҳам жазодан озод этишни лозим топади. Жумладан, ҳукмда белгиланган баъзи жазолар муайян муҳлат ўтгач, маҳкум хавфлилик хусусиятини йўқотган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, авф қўлланган, касал ёхуд меҳнат қобилиятини йўқотган ҳолларда ҳам ижро этилмайди.

Тергов ва суд амалиётида жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш тартибларига риоя қилиш борасида хатолар оз эмас. Жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг фарқига баъзан етарлича эътибор берилмайди.

Ўтмишда жиноятчиликка қарши кураш шиори остида жазолаш ҳаддан ташқари кучайди, ҳатто ҳурфикрлилик учун қамаш, шахснинг айби исботланмаган бўлса-да, ижтимоий хавфли деб ҳисобланиб сургун - бадарға қилиш авжига минган, судсиз жазо белгилаш одат тусига кириб қолган эди.

Коммунистик партократиянинг хоҳиши ва талаби билан минг-минглаб софдил, бегуноҳ одамлар қатл этилди ёки ноҳақ жазоларга гирифтор қилинди. Масалан, 1922 йилда 17 ёшда Олмонияга ўқишга юборилган тошкентлик қиз Ҳайринисо Мажидхонова 1928 йили ўз юртига қайтиб келган ва табобат институтида ишлаб юрган. 1937 йил 11 сентябрида бирор айбсиз қамоққа олинган ва эмизикли фарзанди борлигига қарамай отиб ташланган.

Қонунларимиз бировни айбли деб ҳисоблаш учун далилларни танқид кўзи билан таҳлил қилиш, уларнинг етарли ва ишончли экани, қонуний тартибда тўплангани тўғрисида холисона хулосага келишни талаб қилади. Ҳар қандай шубҳа бартараф этилиши, айблов учун фойдаланилмаслиги зарур. Исботлаш воситаларига баҳо беришда йўл қўйилган хато айбсиз шахсни жавобгарликка тортишга ва бегуноҳ жазоланишига сабаб бўлади.

Хуллас, адолат, жавобгарлик ва жазо масалалари чуқур илмий тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Қонунларимизда ҳам уларни ҳар томонлама, батафсил акс эттириш ва ниҳоят, тергов - суд амалиётида учрайдиган нуқсонларни бартараф қилиш инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг, бинобарин Конституциямизнинг амалиётида энг муҳим омиллардандир.

Ғ.АБДУМАЖИДОВ,
профессор.

САХОВАТЛИ ЖАМОА

Шўрчи туманида «Қоработир» ҳиссадорлик жамияти баракали фаолият кўрсатиб келмоқда. Добил Тошбоев раислигидаги мазкур жамоада 27 киши меҳнат қилади. Меҳнаткашларнинг ҳар бири касаба уюшма аъзосидир. Улар ўз вақтида маошларини олиб турадилар, алоҳида шижоат кўрсатиб меҳнат қилганлар эса ҳар доим рағбатлантирилади. Ходимларнинг яхши-ёмон кунларида жамоанинг қўллаб туриши, саховат кўрсатиши уларнинг оқибатлилигидан далолат беради.

Наврўз кунлари «Совжирам» маҳалласи аҳолиси шодиёналарида жамоанинг муносиб улуши бўлди, қолаверса жамиятга қарашли «Дамас» русумли машина ҳам қишлоқ аҳолисининг узоғини яқин қилиб хизмат кўрсатмоқда.

Жамоанинг боғида узум, шафтоли, ўрик каби тотли мевалар етиштирилади. Ишчи-хизматчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам шароитлар яратилган.

Истеъмолчи манфаати - муқаддас

Хусусий тадбиркорлик айниқса, савдо тизимида тез суръатлар билан қулоч ёйди. Истеъмол бозорида маҳсулот сероб бўлиб қолди. Дидингизга ёққанини ва чўнтагингиз кўтарганини харид қилаверинг. Лекин сифатига эътибор беришни ҳам унутманг. Акс ҳолда панд еб қоласиз. Чунки дўкондорларнинг ҳаммасини ҳам инсоф билан ишлаяпти, деб бўлмайди. Уларнинг кўпчилиги ўзлари сотаётган маҳсулот сифатига кафолат беришни зиммаларига олмаган. Аксинча, ўқлоғдай ҳарфлар билан «Сотилган нарсалар қайтариб олинмайди» деб ёзиб қўйишган. Тадбиркор одам танти бўлса, аввало маҳсулот сифати учун ўз масъулиятини унутмайди ва харидорни алдамайди. Афсуски...

СИФАТ КАФОЛАТЛАНГАНМИ?

Самарқанд вилоят стандартлаш, метериология ва сертификатлаш ҳудудий маркази ходимлари томонидан ўтказилган текширишда бир қатор дўконларнинг пештахталарида сифати кафолатланмаган, ҳатто қаерда ишлаб чиқарилганлиги ноаниқ маҳсулотлар мавжудлиги аниқланди. Самарқанд туманидаги Мамадалиев номли савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли 15-дўконда 250 килограмм Польшада ишлаб чиқарилган шакарнинг сифат ёрлиғи йўқ экан. Шу дўконда сотувга чиқарилган 250 килограмм гуручнинг сифати тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган. Дўкон мудири С.Нуруллаев эса барча саволларга елка қисиб қўя қолди.

Шу тумандаги «Навбаҳор» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг «Қавчинон» қишлоғидаги дўконига текширувчилар кирганида сотувчи С.Шариповнинг рангидан қон бекорга қочмаган экан. Дўконда мавжуд ва сотилаётган бир қатор маҳсулотларнинг, жумладан Литвада ишлаб чиқарилган перловка ёрмаси, Қувадан келтирилган вермишел (лағмон)нинг, «Янги замон» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Юбилейное» печеньеларининг сифат сертификати йўқ эди. Мавжуд ёрлиқлар маҳсулот тўғрисида тўлиқ маълумот беролмайди. Шуниси ажабланарлики, дўкон пештахталаридан жой олган лимон мураббосининг (25 банка), «Сухроб» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилган 120 шиша лимонаднинг ёрлиқлари йўқ, яроқлилик муддати кўрсатилмаган. Сифат сертификати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум маҳсулотлар пештахталарда қандай пайдо бўлиб қолганини на сотувчи, на дўкон мудири изоҳлаб беришмади.

Бундай мисолларни анчагина келтириш мумкин. Дарвоқе, нафақат озиқ-овқат, балки ноозиқ-овқат маҳсулотлари сифати ҳам жуда муҳимдир. Негаки, буюмнинг хушбичимлиги, бўёқларининг жилваси ҳамиша ҳам сифатлилик тимсоли бўлолмайди. Хорижда ишлаб чиқарилган рўзғор буюмларини харид қилиб, кўп ўтмай уста излаб юрганларни ҳам эшитгансиз. Афсуски, шунақаси ҳам бўлади. Темирйўл туманидаги «Техникс» хусусий дўкони (мудири Х.Мирзаев) Самарқанд шаҳрининг марказий кўчасида жойлашган. Лекин бу ерда ҳам савдо қоидалари ва мавжуд қонунларга хилоф иш юритилаётгани маълум бўлди. Германия, Ирландия, Япония, Корея, Франция, Туркиядан келтирилган 6 турдаги жами йигирматадан зиёд уй-рўзғор электр асбобларининг сифат сертификати топилмади. Маҳсулот сифатига кафолат бермасликни савдо аҳлининг ғирромлиги, деб баҳолаш мумкин.

Фикримизча, савдо дўконларини текшириш билангина истеъмолчи манфаатини тўлиқ ҳимоя қилиб бўлмайди. Бу ишларнинг асосий йўналиши маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ва хориждан келтирилаётган маҳсулотлар сифатини, тегишли ҳужжатлари мавжудлигини назорат қилишга қаратилиши керак. Мақсадга шу йўл билан тўлиқ эришиш мумкин.

Д.ШАРИПОВ,
Самарқанд вилоят стандартлаш, метериология ва сертификатлаш ҳудудий марказининг бўлим мудири.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



Анқара...

OLAMDA NIMA GAP

Л У А Н Д А. Африканинг тўрт мамлакати давлат раҳбарлари Ангола ва Конго Демократик Республикасидаги куролли можароларни ҳал қилиш масалаларини муҳокама этиш учун бу ерга тўпланишди. Унда Ангола Президенти Жозе Эдуард душ Сантуш, КДР раҳбари Лоран-Дезире Кабила, Зимбабве Президенти Роберт Мугабе ва Намибия етакчиси Сэм Нуйома иштирок этмоқда.

Маълумки, ўтган йил август ойидан бошлаб Ангола, Зимбабве ва Намибия исёнчилар билан курашда КДР Президенти Л.Д.Кабилага ҳарбий жиҳатдан кўмак бериб келмоқа. Мазкур олий даражадаги учрашувда томонлар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш, шунингдек, Анголадаги УНИТА қўзғолончилари билан курашни янада кучайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказади.

* * *

Б О Г О Т А. *Колумбия Президенти Андрес Пастрана жаҳон ҳамжамиятини наркомафияга қарши курашни кучайтириш борасида битим имзолашга ва уларнинг сайёрамизнинг барча нуқталаридаги мулкларини бутунлай мусодара қилишга чақирди. Колумбиянинг Картахен шаҳрида бўлиб ўтаётган кокаин контрабандасига қарши кураш бўйича 5-халқаро анжуманда сўзга чиққан А.Пастрана гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кимёвий препаратлар савдоси устидан назоратни кучайтиришни таклиф этди.*

* * *

Р А Б О Т. Жибутида мамлакат президентлигига сайлов бошланди. Айни пайтда бу лавозимга республикадаги ҳукмрон Тараққиёт учун халқ бирлашмаси партияси вакили Исмоил Умар Геллеҳ ва Жибути мустақиллиги учун кураш олиб борган Муса Аҳмад Идриснинг номзоди қўйилган. Жибутида Президент сайловининг ўтишини назорат қилиш учун бу ерга 20 нафар халқаро кузатувчи ҳам келган.

1977 йилда ўз мустақиллигини эълон қилган Жибутида бугунги кунда 500 минг аҳоли яшайди. Ўша вақтдан буён мамлакатни Ҳасан Гулед Аптидон бошқариб келар эди. Бироқ у соғлиғи ёмонлашгани боис бўлажак сайловда иштирок этишдан воз кечди.

(ЎзА)

ЭЛ ЭЪЗОЗИ

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон учун ҳам катта кулфат келтирди. Фақат Тўрткўл туманининг ўзидан ўн бир минг нафар йигитлар беомон жангларда қатнашган. Улардан 7 минг нафари туғилган овулларига қайтиб келишмади.

Лаънати Афғон уруши ҳам тўрткўллик йигитларни четлаб ўтмади. Бемаъниларча бошланган бу қирғинбарот урушда туманимизнинг 229 нафар йигитлари иштирок этдилар. Улардан 9 нафари бегона юрт тупроғига бош қўйди. Халқимиз уларни асло унутмайди. 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинганлиги бу инсонлар хотирасини абадийлаштириш, эъзозлашда муҳим омил бўлади.

Тоҳир ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тўрткўл тумани мудофаа бўлими бошлиғи, майор.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ҚОНИҚАРСИЗ ДЕБ ТОПИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 2 феврал сонида «Раҳбарга омилкорлик етишмади» сарлавҳаси остида босилган мақолада «Урганчтаксимотор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида маошлар ўз вақтида берилмаётгани, қолаверса эҳтиёт қисмлар, ёнилғи билан таъмин этилмаган кунлар учун пул топшириш меъёрлари асоссиз равишда ошириб юборилгани баён қилинган эди. Куни-кеча ушбу мақола юзасидан «Хоразмтранс» давлат акционерлик бирлашмаси бошқаруви раиси Я.Х. Полвоновдан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мақола барча автокорхоналар раҳбарлари иштирокида бирлашманинг кенгайтирилган кенгашида, «Урганчтаксимотор» очиқ турдаги акционерлик жамияти акциядорларининг 1998 йил иш якунига бағишланган умумий мажлисида муҳокама қилинди.

Мақолада келтирилган далиллар асосан тасдиқланди.

Умумий мажлис қарори билан ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун акционерлик жамияти раиси Ш.Назаров иши қониқарсиз, деб топилди. Унинг иш фаолияти қайтадан кўриб чиқилади.

Муаммо кўндаланг қўйилади

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК

Маълумки, ишлаб чиқариш муносабатларида иш берувчи ва ёлланма ишчи ўртасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишнинг асосий шакли жамоа шартномалари ҳисобланади. Бозор иқтисоди шароити эса бунга бутунлай янгича ва талабчанлик билан ёндошишни тақозо этади. Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси қуйи ташкилотларида бу борада бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили тармоқда белгиланган тадбирлар асосан бажарилди. «Ўзавтотранс» корпорацияси бўйича ўртача ойлик иш ҳақи 1997 йилга нисбатан 37 фоизга ошди.

Лекин тармоқ ва кенгашларнинг бошланғич ташкилотлар билан замон талаби даражасида ишламаганлиги, фаолларда ҳуқуқий билим етишмаслиги боис кўплаб асосий талаблар ўз ифодасини топмаётир.

Жамоа шартномаларининг мазмун даражаси пастлиги, унда ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя билан боғлиқ масалалар акс эттирилмаганлиги, томонларнинг мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари учун масъулиятни оширадиган талаблар киритилмаганлиги, унинг бажарилишини назорат қилиш бўйича камчиликларга кўплаб мисол келтириш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Андижон тармоқ бошланғич ташкилотларининг ярмидан ортиғида жамоа шартномалари 1998 йилга қабул қилинмаган. Тошкент вилоятида эса сўнгги 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида жамоа шартномаларига сезиларли янгиликлар, ўзгартиришлар киритилмаган.

Аксарият корхона ва ташкилотларда шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаётган бўлсада, бунда айбдор бўлган шахслардан бирортаси маъмурий жавобгарликка тортилмаган. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитасида яқинда бўлиб ўтган йиғилишда шу ва бошқа камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Сўзга чиққан Марказий қўмита раиси М. Мирқосимов корхоналарнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, иш ҳақининг ўсиши ва вақтида бериб турилишини таъминлаш борасида ижобий силжишлар билан бир қаторда камчиликлар борлиги ҳақида ҳам гапирди. Унинг таъкидлашича «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ва «Ўзавтойўл» концернидаги ҳамма корхона ва ташкилотлар ўтган йилни соф даромад билан тугаллаган. Шу боис уюшма ва концернинг иш ҳақидан қарзи йўқ. Аммо «Ўзавтотранс» корпорацияси корхоналарида оғир молиявий аҳвол давом этмоқда. Жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатга кўра бажарилган ишлар ва хизматлар учун дебиторлик қарзлар 3,5 млрд. сўмни, кредитор қарзлар 3,3 млрд. сўмни, иш ҳақи бўйича қарзлар 769,5 млн. сўмни ташкил этди. Бу 3,6 ойлик иш ҳақи фондига тенг.

Кейинги пайтларда корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ҳақидан қарздорлик тенденцияси кучайиб бормоқда. Уларнинг ҳисоб рақамида маблағлар йўқлиги туфайли ойлик натура шаклида берилмоқда. Лекин корхоналарнинг биронтасида ҳақ тўлашнинг бу тури жамоа шартномаларида кўзда тутилмаган. Шартномаларда иш ҳақини индексация қилиш масалаларига ҳам изоҳ берилмаган.

Энг асосий долзарб масалалардан бири тармоқдаги иш жойларини сақлаб қолиш ва янги иш жойларини ташкил этиш. Бунда ҳам кишини ташвишга соладиган ҳолатлар давом этмоқда. Биргина «Ўзавтотранс» корпорациясининг ўзида йил давомида ўртача ишловчилар сони 7635 кишига камайди. Бир иш ўрнида 2 ва ундан ортиқ ишчи ишлаши, бўш иш жойларига янги ишчиларни қабул қилмаслик, иш ҳақи сақланмаган ҳолда мажбурий таътилга чиқарилиш ҳоллари учраб турибди. Ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги узилишлар техниканинг туриб қолишига, корхоналарнинг молиявий аҳволига кескин таъсир қилмоқда.

Ўтган давр ичида чет эл инвесторлари билан биргаликда корпорацияда 18 та, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасида 2 та ва «Ўзавтойўл» концернида 3 та қўшма корхоналар тузилди холос. Лекин шу бугунга келиб корпорация қошида очилган қўшма корхоналардан 9 таси ёки 50 фоизи ўз фаолиятини тўхтатди. 1997 йилда 769 янги иш жойи ташкил этилган бўлса, 1998 йилда фақат 181 иш ўрни пайдо қилинди. Шу билан бир вақтда хусусий юк ва йўловчи ташувчилар ассоциациялари аъзоларини касаба уюшмаларига тортиш масалаларида сусткашлик қилинмоқда. Ишсиз қолган ходимларни иш берувчилар ҳисобига қайта ўқитиш ва бошқа касбга тайёрлаш тўғрисидаги талаблар жамоа шартномаларига киритилмайди, киритилган тақдирда ҳам ўқитилаётганлар сони бўшатилганлар сонидан кам.

Чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш, иқтисодиётнинг барча бўғинларининг изчил ва барқарор ривожини таъминлаш тизимида кичик ва ўрта бизнес етакчи кучга айланиши лозимлиги - хўжалик раҳбарларидан бу масалаларга бутунлай ўзгача ва масъулиятли ёндошишни талаб этади. Тармоқда ушбу йўналишда яхши натижаларга эришаётганлар ҳам бор. «Ўзавтойўл» концерни тизимида чет эл технологияси асосида мармарни қайта ишлаш заводини, Жиззах вилоятидаги темир қазилмаларини очиқ усулда қазиб олишни ташкил этиш, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг ҳаракат тизимидаги техникани янгилаш, эҳтиёт қисмларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш шулар жумласидандир. Фарғона шаҳар 9-автобус саройида махсус кийимлар тикиш цехи ташкил этилган, хусусий машина эгаларига хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилган.

Техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси муаммолари айрим корхоналарда қонунчилик асосида тўлиқ ҳал этилмаяпти. Бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, кўп вақтдан бери ҳаракатдаги машиналар, асбоб-ускуналарнинг алмашинмаганлиги, уларнинг кўпчилиги ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскирган вақтда бундай муносабатлар жиддий хавф туғдиради.

Кўрилган чораларга қарамасдан 1998 йил давомида ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларда жароҳатланганлар сони 1997 йилга нисбатан «Ўзавтотранс» корпорацияси бўйича 30,6, «Ўзавтойўл» концернида 33,3 фоизга кўпайишига йўл қўйилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» бирлашмаси бўйича ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш борасида бирмунча ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар 27,8 фоиз камайди. Бултур ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилган йўл транспорт ҳодисаси эса 1997 йилга нисбатан 2,7 фоиз, жароҳатланганлар сони 5,4 фоиз ва ҳалок бўлганлар сони 43,8 фоизга камайишига эришилди. Тармоқ бўйича 1997 йилга нисбатан ҳодисалар сони 13,1 фоиз, жароҳатланганлар сони 4,3 фоиз қисқарди, бироқ ҳалок бўлганлар сони 37,2 фоизга ортди. Юқорида келтирилган рақамлардан, содир этилаётган йўл транспорт ҳодисалари натижалари инсон ҳаёти учун хавфли, катта моддий ва маънавий зарар етказадиган бўлиб қолди.

Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг қўпол равишда бузилиши, йўналишларда назоратнинг пасайиб кетганлиги оқибатида Бўстонлиқ, Шаҳрихон, Бойсун, Пойариқ туманларидаги автокорхоналарда оғир оқибатли йўл транспорт ҳодисалари содир этилиб, 26 киши ҳалок бўлди ва 53 киши жароҳатланди.

Ташвишлиси шундаки, бахтсиз ҳодисаларнинг аксарият қисми йўловчи ташиш автотранспортида рўй бермоқда. Мисол учун ўтган йил 3 октябр куни Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги 37-автокорхона ҳайдовчиси Азимов тегишли рухсатсиз йўлга чиқиб, Ўш вилоятининг тоғли ҳудудида «ПАЗ-672» русумли автобус бошқарувини эплай олмай чуқурлиги 50 метрга яқин жарликка тушиб кетган. Натижада йўловчилардан 19 нафари ҳалок бўлган, 9 нафари яраланган. Бу ерда бош муҳандиснинг ўз шахсий манфаатларини кўзлагани шундай катта фалокатга олиб келди. Роппа-роса икки ойдан кейин, шунга ўхшаш оғир йўл транспорт ҳодисаси «Самарқандтранс» бирлашмасининг 24-автобус саройида рўй берди. Натижада 5 киши ҳалок бўлди, 24 киши жароҳатланди.

Бултур тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари «Оила манфаатларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури» асосида амалга оширилди. Оиланинг жамиятдаги ролини янада кўтариш билан бирга, корхоналарда фахрийлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни асосли ҳимоялаш тажрибасига эга бўлинди. Бу йил «Аёллар йили»да ҳукуматнинг аёллар манфаатларини таъминлаш бўйича белгилаган чора-тадбирлари дастури асосида Марказий қўмита, корпорация, концерн ва давлат уюшмаси билан биргаликда дастурлар ишлаб чиқди.

Касаба уюшмаларининг масъулиятли вазифаларидан бири-тармоқлар ишчи-хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, суғурта бюджети маблағларини тўғри ва фойдали ишлатиш масаласидир. Корхоналарнинг 2 фоизли суғурта бюджетига тўловларини тўлиқ таъминлаш ва уларнинг 65 фоизини тармоқ ходимларини соғломлаштириш вилоят тармоқ қўмиталари ва кенгашларига юклатилди. Лекин йил бўйича режаларни Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари кенгашлари ва қўмиталари бажара олмадилар. Шунинг учун санаторийларда соғломлаштирилганлар сони юқоридаги вилоятларда камайишига йўл қўйилди.

Жисмоний тарбия масаласи ҳам тармоқ касаба уюшмаларининг эътиборидан четда қолмоқда.

Юқорида тилга олинган муаммолар касаба уюшмаларидан ўз ҳаракат дастурини қайта кўриб чиқишни талаб этади, бунинг учун жойларда янги молиявий сиёсат жорий этилиши ва бадалларнинг асосий қисми юқори органларда тўпланиши лозим. Улар ахборот тизимини яратишга, газета ва журналлар чиқаришга, телевидение ва радиодан фойдаланишга, ижтимоий қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этишга, халқаро ишларни ривожлантиришга, касаба уюшмалари органлари ва маданий-спорт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мақсадларга сарфланади.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Аёл ва жамият» танловига

Ҳар қандай жамиятда ижтимоий муҳитнинг қандайлиги аёлларга қаратилган диққат - эътибор билан ўлчанса ажаб эмас. Аёллар ҳуқуқи тўла таъминланган, меҳнати қадрланган мамлакатларда янги жамият қуриш истиқболлари нурафшон бўлади. Балки, йилимизнинг Аёллар йили, деб эълон қилинишида ҳам шу тамойиллар назарда тутилгандир. Юртимизда бу борада ибратли тадбирлар амалга оширилаётганлиги барчага аён. Хусусан, Аёллар йили муносабати билан давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, айниқса, Президентимизнинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижтимоий меҳнат билан банд бўлган саодат соҳибаларига етарлича имтиёзларни кафолатлайди.

НОЗИК ҚЎЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ

«Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти ҳақида гап кетганда ҳамма заводнинг ажойиб театр саҳнаси мавжудлигию ишчи-ходимларининг моҳир санъаткорлиги, саҳналаштирилган бадиий кўрсатувларда бош қаҳрамон сифатида эса корхона директори Абдуманноп Алимбоев иштирок этишини таъкидлашади. Ўша саҳна, ўша спектакллар, ходимлардаги ғайрат-шижоат ҳалигача бу ерда ҳукмрон. Лекин навбатдаги ҳикоямиз корхона ҳаётининг бошқа жабҳаси - аёлларнинг ўрни-мавқеи, ижтимоий муҳофазаланиши ҳақида боради.

Ишхона ҳам кишилар учун уй билан баробардай гап. Уй жиҳозлари, мебел, гулдон, гиламу краватларни ўз дидингизга мослаб ўрнаштирмасангиз кўнглингиз жойига тушавермайди. Иш жойида ҳам шу ҳолат: атроф муҳитингиз озода турмаса, стол-стуллар жой-жойига қўйилмаса, ҳатто эълонлар тахтаси янги ахборотлар билан таъминланмаса ҳам асабингизга зимдан таъсир кўрсатади. «Ўзэлектроаппарат»да эса сўнгги ахборотни наинки эълонлар тахтаси, балки радиотармоқ карнайидан ҳам эшитиш мумкин. Дарҳақиқат корхона ҳовлисида мусиқа ва янгиликларнинг баралла жаранглаб туриши дастгоҳ ёнидаги ишчиларга ниҳоятда ижобий куч-қувват беради. Ишонинг, бутун корхона бўйлаб янграб турган шўх-шодон тарона меҳнаткашлар асабининг юмшашига, меҳнат унумдорлиги ошишига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Завод маъмурияти ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси томонидан 1999 йил учун қабул қилинган жамоа шартномаси барча меҳнаткашлар қатори аёлларга, айниқса-меҳнати зарарли ва оғир шароитларда кечадиганларга бир қанча имтиёзларни кафолатлайди. Шартнома ҳужжатига биноан декрет таътилига чиққан аёлларнинг иш ўринлари сақлаб қолиниши билан биргаликда, фарзандини тарбиялаган даври учун бадал тўланади, шунингдек, касабақўм анъанасига кўра Сўқоқ, Кумушкон дам олиш зоналарига таклиф қилинишида ёш оналар ҳам четда қолмайди. Қолаверса, ортиқча харажатдан қочиб,ижтимоий муҳофаза соҳасида таклифлар киритадиган маъмуриятни қидириб топиш қийин бўлган айни даврда ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси А.Алимбоев меҳнаткашлар фойдаси учун ўзи бир нечта таклифлар билан чиқди. Хусусан, ҳар ойда аёлларга бир кунлик имтиёзли таътил берилиб, бу кунги иш соатлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари, Аёллар йили муносабати билан улар 1 ой мобайнида ошхонада текинга тамадди қилишларига шароит яратилди.

Корхонани фақат эркаклардан ташкил топган «оғир индустриал ҳўжалик» сифатида тасаввур қиладиганлар адашишади. Заводда кўплаб цехлар мавжудлиги, уларда аёл кишининг нозик диди, юмшоқ қўллари, ораста меҳнатисиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. 1-цех бошлиғи Нина Столярованинг қўл остида ишлаётган 68 нафар ишчидан 61 таси унинг дугоналарини ташкил этади. Мазкур цехда аёллар полиэтилен қопча ва дазмолларнинг энг майда жиҳозларини тайёрлашади.

— Бизнинг цехни ҳам аёллар бўлинмаси, деса бўлади, - дейди 5-цех бошлиғи Людмила Назаренко. Кучсиз вольтлик аппаратлар, оралиқ ва универсал релелар ишлаб чиқаришда 22 нафар аёлимизнинг меҳнатидан фойдаланамиз. Баъзи катта куч-қувват талаб қиладиган юмушлар учун 2 нафар эркак кишининг забардаст қўллари кифоя қилади. Корхонадаги 29 йиллик умрим мобайнида қанчадан-қанча ҳамкасбларим билан дўстлашдик, меҳнат қилдик, мусобақалашдик. Бу жараёнларда ишдан кетиб қолганлар яна ўз заводларига қайтиб келишди. Россия, Германия, Америкага кўчиб кетган ҳамкасблар эса ҳалигача ўз хатларида корхонамиз ҳаётини, ижтимоий жабҳадаги шароитларни эслаб ёзишади.

Дарвоқе, инсон умри азиздир. Ана шу азиз йилларини корхона тарихи билан узвий боғлаган инсонлар эса бу даргоҳда кўплаб топилади. Қолип қуювчи Е.Беляцкая корхонада 29 йилдан буён, Л.Ярулина 18 йилдан буён, йиғувчи-чилангар Р.Лигачёва эса 30 йилдан буён бир корхона остонасини босиб ўтишдан чарчагани йўқ. Энг муҳими юқоридаги ишчилар корхонанинг энг меҳнатсевар, фидокор аъзоларидан ҳисобланишади. — Мазкур аёллар цехида ўртача ойлик 5-5,5 минг сўмни ташкил этади, - дейди касаба уюшма қўмитаси раисининг муовини, 6-цех бошлиғи Ҳабибулла Файзиев. - Бизнинг цехдаги эркакларнинг маошлари нисбатан баландлигига сабаб ишнинг оғирлиги ҳамда буюртмаларнинг ниҳоятда кўплигидандир. Лекин, аёлларимизга яратилган қўшимча шарт-шароитлар улар меҳнатини рағбатлантириб турибди, деб ўйлайман.

Албатта, моддий жиҳатдан тўла таъминланиш ишловчи аёллар кўнглига таскин беради. Лекин ҳар ҳолда моддий рағбатдан ташқари бошқа масалалар ҳам аёлларни безовта қилмай қолмайди. Бу - уларнинг соғлиги масаласи. Чунончи, ижтимоий меҳнат билан банд бўлганлар учун саломатлик энг ноёб бойлик ҳисобланади. Корхонада аёлларнинг соғлиғини доимий тарзда тиббий назоратдан ўтказиб туриш бўйича шарт-шароитлар яратилган. Хўжаликка қарашли тиббий бўлимда невропотолог, гинеколог, хирург, терапевт шифокорлар, шунингдек, ЭКГ ва рентгенология бўлимлари ишлаб турибди.

— Тиббий бўлимимиздаги диагностик компьютер ёрдамида беморларга ташҳис қўя оламиз, - дейди бўлим бош шифокори Людмила Сергеевна. — Корхонамизда ишлаётган 560 нафар аёлдан 520 тасини тиббий назоратдан ўтказишга муваффақ бўлдик. Таассуфки, улардан 207 нафарида кучли гинетал паталогияси аниқланди. Бу ишчиларимиз касаба уюшма қўмитасининг маблағи ҳисобидан 2-шаҳар касалхонаси, Қибрайдаги санатория-профилакторий ҳамда «8-март» шифохоналарида даволаниб келдилар.

Корхонада шунингдек, аёллар гигиена хонаси ишлаб турибди. Зарарли ишда машғул бўлганларга 24 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътили бериб борилади. Сут ва қатиқ тарқатилади. Бундан ташқари тиббий бўлимни моддий таъминлаб туриш, дори-дармон, тиббий асбоблар билан «тўлдириш» корхона ҳисобидан амалга оширилади.

Маъмурият раиси А.Алимбоев ҳамда касабақўм раиси Р.Водовозова иштирокида имзоланган Аёллар йили муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда аёллар мавқеини оширишнинг бошқа йўналишлари ҳам эътиборга олинган. Хусусан, ҳар чоракда ташкил этиладиган «Ишбилармон аёллар сараси» танлови корхонада меҳнат билан банд бўлган аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги, ишбилармонлигини янада оширади.

«Ишбилармон аёллар сараси» танловида ишчиларнинг давоматидан тортиб, меҳнат унумдорлигига, ширинсуханлигию оқила эканлигига эътибор берилади.

Жамиятимизда аёллар ўрин-мавқеини кўтариш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш борасида муайян ишлар қилинаётган экан, «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамиятида бошланган юқоридаги хайрли тадбирлар бутун юртимиз бўйлаб қулоч ёзишини тилаб қоламиз.

Нодир АЛИМОВ

Биздан сўрабсиз...

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради.

Савол: 2-МКС ташкилотимизда 1965 йилдан бўёқчи бўлиб ишлаб келган, 1939 йилда туғилган Галимова Сония Салимовна 1982 йилда касб касаллигига чалиниши оқибатида III гуруҳ ногирони бўлиб қолган эди. Шундан сўнг у ўз аризасига кўра, енгил ишга ўтказилди. 1991 йил 6 декабрида эса унга ТМЭК томонидан II гуруҳ ногирони, деб хулоса берилди ва шу асосда пенсияга чиқарилди.

1991 йил охиридан бошлаб ташкилотимиз ходимларга ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган ногиронлиги учун етказилган зарарнинг 70 фоизи миқдорида ҳозирги кунгача маош тўланиб келинмоқда. Ҳужжат асосида дори-дармон пули ва бепул даволаниш ҳамда дам олиш учун санаторийларга йўлланмалар берилмоқда. 1995 йилнинг 27 октябрида пенсия ёшидан ўтгандан сўнг, ТМЭКдан Галимова Сонияга «қўшимча овқатланишга муҳтож» деган хулоса берилган. Шунинг учун бизга «қўшимча овқатланиш» тўғрисида маълумот берсангиз? Агар ҳақ берилиши керак бўлса, у қандай тарзда тўланади?

Г.Абдураҳмонов, Андижон вилояти, Қорасув шаҳри, 2-МКС «АСК».

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 189 ва 190-моддаларига ҳамда Фуқаролик Кодексининг тегишли моддасига биноан иш берувчи ходимга ишлаб чиқаришда унинг саломатлигига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт. Ходимнинг касб касаллиги соғлиғига етказилган зарарнинг миқдорига қараб ҳамда унга зарур бўлган қўшимча моддий ёрдам турлари ва меъёрлари ТМЭК томонидан белгиланади. Қўшимча овқатланиш ҳам шулар жумласидан бўлиб, ТМЭК унинг турини ва ҳажмини аниқ кўрсатиб бериши керак. Шундан сўнг иш берувчи ходимга ТМЭК хулосасига мутаносиб равишда товон ва қўшимча харажатлар ҳақини тўлаши керак.

Савол: Икки ёшгача боласига қараб туриш таътилида ўтирган она, яъни ўқитувчи ўз хоҳиши билан боласи икки ёшга тўлмай бир ярим ставка атрофида дарс олиб ишга чиқса, бир вақтнинг ўзида икки ёшли боласи учун ҳам нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладими?

Ф.Файзиева, Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 1998 йил 4 сентябрда Адлия вазирлигидан 488-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Бола икки ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда нафақа тўлаш ҳақида»ги низомга мувофиқ ишловчи она (ёки унинг ўрнини босувчи) агар тўлиқсиз иш кунида ишласа ёки иш берувчи билан келишилган ҳолда уйда ишласагина нафақа олиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Сиз бир ярим ставкада ишлаганингиз учун бу нафақа тўланмайди.

Савол: 1965 йилда вилоятимизга қарашли алоқа бошқармаси томонидан меҳнат дафтарчаси очилган эди. 1972 йили СПЕЦДЭУ идорасига ишга кирдим. Бу идорада 1979 йилга қадар ишладим ва меҳнат дафтарчамни у ердан олмаган эдим. Кейинчалик бу идора тарқатиб юборилди. Мен эса пенсияга чиқишим керак. Вилоятдаги кўпгина архивларга бордим, бироқ бу идоранинг ҳужжатлари қаерда сақланаётганини билолмадим. Йўқотилган меҳнат дафтарчамдаги меҳнат стажимни тиклаш учун нима қилишим керак?

Ж.Зоҳидов, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланган. Унга асосан мавжуд иш стажи тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ва ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, ҳалокатлар, фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар муносабати билан уларни олиш имконияти бўлмаса, меҳнат стажи, шу жумладан, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажи ариза берувчининг бирор корхона, муассаса, ташкилот, жамоа хўжалиги ёки бир тизимда у билан бирга ишлаган, шунингдек, уни яхши билган камида икки гувоҳнинг кўрсатмаси асосида белгиланади.

Архив маълумотлари йўқлиги сабабларидан қатъий назар, мавжуд иш стажи тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган ҳолларда 1965 йилга қадар жамоа хўжалигида ишлаш даври юқоридаги тартибда гувоҳларнинг кўрсатмаси билан тасдиқланади.

Мавжуд иш стажи тўғрисидаги маълумотлар муассаса, ташкилот тўлиқ тугатилганлиги туфайли ёхуд архив маълумотларининг йўқлиги ва бошқа сабабларга кўра мавжуд эмаслиги боис уларни олиш имконияти бўлмаган ҳолларда меҳнат стажи ариза берувчи билан бир корхонада ёки бир тизимда бирга ишлаган ва шу даврда уларнинг ишлаганлиги тўғрисида тегишли гувоҳлик ҳужжатларига эга бўлган камида 2 гувоҳнинг кўрсатмалари асосида белгиланади.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари бўйича белгиланган меҳнат стажи бундай ҳолларда пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган стажнинг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Савол: Мен меҳнат фаолиятимни йўл қурилиши ташкилотида 1968 йилдан механиклик вазифасида бошлаганман. 1970 йилдан бошлаб эса Аму-Бухоро канал қурилишида машинист-экскаваторчи бўлиб ишга кирдим ва узлуксиз равишда 1992 йилга қадар ана шу меҳнат шароити оғир ва зарарли бўлган вазифада ишлаб келдим. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида ишлаяпман. Ёшим 55да. Механизаторчиларга бериладиган имтиёзлар асосида пенсияга чиқишим мумкинми?

Қ.Комилов, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани.

Жавоб: Сиз механизаторларга берилган имтиёз асосида 55 ёшдан пенсияга чиқишга ҳақли эмассиз. Чунки, трактрочи-машинистлар 55 ёшдан пенсияга чиқиши учун (эркаклар назарда тутилмоқда) умумий 25 йил, шундан 20 йили қайд этилган ишда ишлаган бўлиши шарт. Сиз эса 1992 йилдан эътиборан қишлоқ хўжалигида ишлаб келмоқдасиз. Бундан ташқари, хатингизда қишлоқ хўжалигида ким бўлиб ишлаётганингизни кўрсатмагансиз. Ваҳоланки, бу нарса ушбу масалага ойдинлик киритишда катта аҳамиятга эгадир.

Хабарларда жўшқин ҳаёт нафаси

«Бекат» маҳсулотлари кичкинтойларга

Тойлоқ туманидаги «Бекат» фермер хўжалигининг қайта ишлаш тармоғи ривожлантирилаяпти. Яқинда бир кеча кундузда 5 тонна сутни қайта ишлайдиган янги цех ишга тушди. Фермер хўжалиги бугунги кунда тумандаги Боғизағон, Олмазор, Зарафшон, Элипоқ, Амир Темур номли жамоа хўжаликларидан сут қабул қилиб, сариёғ, пишлоқ, қатиқ, қаймоқ каби маҳсулотларни тайёрламоқда.

Дастлабки маҳсулотларнинг асосий қисми биринчи навбатда болалар боғчаларининг кичкинтойлари учун етказиб берилмоқда.

Талабалар спартакиадаси

Самарқандда вилоят ўрта махсус билим юртлари спорт жамоаларининг анъанавий спартакиадаси бошланди. Унинг ташкилотчиси касаба уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамиятидир.

Спартакиаданинг тантанали очилиш маросимида вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзо Ҳайитов, Самарқанд шаҳар спорт қўмитасининг раиси Собир Жумабоев, 2-педагогика билим юрти ўқитувчиси Умар Ҳайдаровлар талабаларга омад тиладилар.

Спартакиада 10 кун давом этиб, жамоалар спортнинг ўндан зиёд тури бўйича беллашадилар. Ғолиб жамоа Республика спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Бухоро хорижликлар нигоҳида

Бухоро - азал-азалдан хорижлик меҳмону сайёҳларнинг эътиборини тортиб келади. Шаҳардаги асори-атиқаларни, ўтмиш аждодларимиз санъатлари ила яратилган тарихий обидаларни кўриш, тавоф айлаш учун бу ерга ҳар

МЕҲРИМ БАЛАНД

куни юзлаб кишилар келиб турибдилар.

Яқинда Токиодаги ХОСЭЙ университетининг талабаси, айни пайтда ўқув машғулотларини Шарқшунослик институтида давом эттираётган бўлғуси туркшунос олим Шин Ватанабэ ҳам қадимий шаҳарда бўлиб қайтди.

-Бухорога менинг меҳрим баланд - дейди япон талабаси қувончини яшира олмай ғурур билан, — Шаҳардаги ўтмиш архитектураларини кўриб томоша қилгач, бу меҳр ўн карра ошгандек бўлди.

Усмон НАВРЎЗОВ.



«Оҳангарон Дон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти илғор жамоалардан бири. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилаётган комбинатнинг ҳар бир ишчиси самарали ишлаш кўп даромад олишнинг асосий омили эканини яхши билади.

Суратда: Навлар ва андозалар бўйича муҳандис Фарида Тавабилова ҳамда муҳандис-технолог Галина Эм.

Даврон АХМАД олган сурат.

КУН ТАРТИБИДА ОИЛА ҲИМОЯСИ

Тошкент шаҳар ҳокимиятида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш уюшмасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

- Оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш уюшмасининг энг аҳамиятли томони шундаки, - деди Тошкент шаҳар ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова. Унинг асосий вазифаси оиланинг каттаю-кичик аъзолари, жумладан хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва бу жараёнларга ижобий йўналишлар, жамоат ҳамда давлат идоралари орқали муҳим масалаларнинг ечилишига кўмак беришдан иборатдир.

Йиғилишнинг кун тартибига уюшманинг 1999 йилги иш режаси, катта ва кичик уюшма аъзоларини тасдиқлаш, ижтимоий, маданий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган бошқа турли хил масалалар қўйилди.

Ушбу уюшма раиси Мухтор Усмонхўжаев йиғилганларни уюшманинг амалий фаолияти тўғрисидаги Низоми ва аъзолар рўйхати билан таништирди.

Йиғилиш қатнашчилари ўз таклифларини ўртага ташладилар. Жумладан, уюшма аъзолари билан жойларда турли тадбирлар ташкил қилиш, хусусан маҳаллаларда «Оила - маҳалла - мактаб», «Устоз ва шогирд», ёшлар ўртасида муомала маданияти каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиш ва ёшларга халқ ҳунармандчилиги, аҳлоқ-одоб шакллари, ўзбекона миллий маданият масалаларини сингдириш борасида амалий ишлар ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Қонун ва шарҳ

ДЕПОЗИТАРИЙ НИМА?

Таҳририятимизга келаётган хатларнинг кўпчилигида Президент Фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари хусусида тушунчалар бериш сўралган. Шу муносабат билан «Қонун ва шарҳ» рукнини очиб, мунтазам мақолалар бериб боришни режалаштирдик.

Қуйида Тошкент Давлат юридик институти таркибидаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази тавсия этган профессор И.Зокиров, малакали ўқитувчи М.Баротовнинг «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонунга оид шарҳи эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Мазкур қонун юридик шахс ҳисобланган депозитарийларнинг қимматли қоғозларга доир фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ватанимизда бозор инфратузилмаларини шакллантиришда, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда маълум кўрсатмалар, йўриқномалар мавжуд бўлсада, қонуний кучга эга бўлган ҳужжатлар йўқ эди. Қимматли қоғозларни ишончли, барқарор, кафолатланган жойда сақлаш мушкуллашиб қолганди. Жаҳон мамлакатларида синалган усул - қимматли қоғозларни депозитарийларда сақлаш ҳам биз учун оралиқ йўл эди. Қонун ана шундай шароитда , ҳуқуқий заминда яратилди ва 1998 йил 22 сентябрдан бошлаб амал қила бошлади.

Қонун жами 22 та моддадан иборатдир. У қимматли қоғозлар бозоридаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Депонент ва депозитарий, уларнинг ҳуқуқий мақомлари, бурчлари ва мажбуриятларини аниқлаб беради. Унда депозитарийлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш қоидалари, таъқиқланган ҳуқуқлари, шартномалар шартлари, хизмат турлари ҳамда жавобгарликлари тўлиқ кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда депозитарий ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Аслида бу лотинча «depositum» қатнашган давлатларнинг келишувига биноан архивга топширилган ўзаро битимларнинг ҳақиқий матнини сақловчи давлат ёки халқаро ташкилот тушунилади. Мулкий-иқтисодий муносабатларда эса қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозори институти ҳисобланади. Демак, депозитарийлар қимматли қоғозларни сақлаш ва улар билан боғлиқ операцияларни ўтказувчи юридик шахслардир. Бошқача айтганда, депозитарий инвестиция институтининг бир туридир. Яъни, жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозлар чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва ҳақини тўлаш билан боғлиқ муносабатларини ўз ичига олувчи тизимдир. Бунда қимматли қоғозларнинг элементлари, инвесторлар, инвестиция институтлари (шу жумладан, депозитарийлар), уларнинг уюшмалари, фонд биржалари, давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини бошқариш ва мувофиқлаштириш ваколати берилган органлар қатнашадилар.

Шунингдек, қимматли қоғозлар уларни бозорга чиқарган шахс билан унинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёхуд заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда қонундан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини бажаради. Қимматли қоғозлар, бланкалар, сертификатлар ёйинки банклардаги ҳисоб рақамлари ёзуви шаклида ҳам бўлиши мумкин. Ўзаро ҳисоб-китоб қилишларда эса кредитлар бўйича улардан гаров сифатида фойдаланиш имкони бўлади.

Қонуннинг иккинчи моддасида пул шаклида тайёрланган қимматли қоғозларнинг нақд - депозитарийларнинг ҳисобга олиш рўйхатларидаги ёзув шаклида муомалага чиқарилган қоғозларнинг - нақд бўлмаган қимматли қоғозларга бўлиниши тушунчаларига алоҳида эътибор берилган. Бу борадаги фаолият депозитарий ва депонент ўртасидаги депозитор шартномаси асосида вужудга келади. Депонент депозитарий билан қимматли қоғозларни сақлаш ва унинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқини ҳисобга олиш рўйхатларидаги ёзув шаклида муомалага чиқарилган қоғозларнинг - нақд бўлмаган қимматли қоғозларга бўлиниши тушунчаларига алоҳида эътибор берилган. Бу борадаги фаолият депозитарий ва депонент ўртасидаги депозитор шартномаси асосида вужудга келади. Депонент депозитарий билан қимматли қоғозларни сақлаш ва унинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқини ҳисобга олиш ҳақида шартнома тузувчи жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади. Депозитарийдаги ҳисобга олиш рўйхатларида акс эттирилган ёзувларни «депо ҳисоб варағи» деб юритилади. Мазкур ҳисоб варағидан битта нусхадаги кўчирма депонентга гувоҳнома тарзида берилади.

Қонуннинг 4-моддасида депозитарийларнинг тузилиши ҳақида сўз боради. Депозитарий жисмоний ва юридик шахслар ўртасида, шунингдек, чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан, юридик шахснинг исталган ташкилий-ҳуқуқий муносабатлари инобатга олиниб тузилиши ҳам мумкин. Бинобарин, депозитарий ташкилий бирликка, муайян мол-мулкка, ушбу мол-мулк юзасидан мустақил мулкий жавобгарликка эга бўлади. Шунингдек, суд ва хўжалик судида даъвогар ёки жавобгар шахс сифатида ҳаракат қилади.

Депозитарий жойларда ўз филиалларини очиши мумкин. Улар фаолиятларини махсус лицензия асосида амалга оширадилар. Унда рухсат этилган хизматлар рўйхати кўрсатилади. Тегишли лицензиясиз қимматли қоғозлар бозорида иш юритиш қонунда тақиқлаб қўйилган.

Қонуннинг 7-моддасида депозитарийлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш қоидалари баён қилинган. Бу қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин: 1. Муассисларнинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ; 2. депозитарийнинг амал қилиш муддати тугаганда; 3. уни ташкил қилишдан кўзланган мақсадга эришилмаганда; 4. ташкил қилиш чоғида қонун талаблари бузилганлиги боис ва бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда; 5. фаолият лицензиясиз амалга оширилганда ёки қонун билан тақиқланган фаолият амалга оширилганда; 6. олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда; 7. банкрот деб эълон қилинганда.

Тугатиш ҳақидаги қарор камида 10 кунлик муддат ичида матбуот орқали маълум қилинади. Тугатилаётган депозитарий ўз қимматли қоғозларини сақлаётган депонентлар бир ҳафта ичида бошқа депозитарийга ўтказадилар. Айрим ҳолларда (депонентнинг бу ҳақдаги қарори мавжуд бўлмаса) у ваколатли давлат органи томонидан белгиланган муддатларда депонентлар кейинчалик танланган депозитарийларга ўтказиш учун Марказий депозитарийларга юборилади.

Марказий депозитарий давлат унитар корхонаси бўлиб, у ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни, мулкдорининг розилиги билангина тасарруф этишга ҳақли. Ҳар бир депозитарий давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олгандан сўнг Марказий депозитарийда вакиллик ҳисоб варағини очади.

Қонуннинг 12-моддасида депозиторларнинг хизмат ваколатлари белгилаб берилган. Хусусан, улар қимматли қоғозларни сақлаш, нақд ва нақд бўлмаган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш ҳамда тегишли гувоҳнома бериш йўли билан буни тасдиқлаш, қимматли қоғозлар эмиссияси мажбуриятлар юкланган ҳолатларни ҳисобга олиб борадилар. Шуни ҳам айтиш керакки, инвестиция институтлари ичида фақатгина депозитарийлар ўз фаолиятларини фаолиятнинг бошқа турлари билан қўшиб олиб боришлари мумкин. Бу ҳолат қонуннинг 13-моддасида ўз ифодасини топган.

Хуллас, мазкур қонуннинг қабул қилиниши бозор муносабатларини шакллантиришда қимматли қоғозларнинг ҳам ўз ўрни борлигини кўрсатиб турибди. Бинобарин, бу борада етарли даражада ҳуқуқий механизм яратилди. Фақат уни иқтисодий кудратимизнинг ривожланишига сафарбар эта олсак бўлгани.

ҲАР ТЎҒРИДА

Дабулға деб аталувчи бута нодир ўсимликлар қаторида ардоқланиб келинади. Ушбу гиёҳ Тожикистоннинг Дарвоз тоғ тизмаси яқинида жойлашган Дашти Жум қишлоғи атрофида ўсади.

Бу доривор ўсимлик эгаллаган жами майдон 2 гектардан ошмайди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғи ходимлари дабулға ўсадиган ўша жойда бўлиб, маҳаллий аҳолидан мазкур ўсимлик ҳақида қизиқарли маълумотлар олишди.

Маълум бўлишича, дабулға чавандозлар томонидан жуда қадрланар экан. Шундоғки, унинг майда новдалари шамоллаб қолган отнинг бурун катакларига боғлаб қўйилса, жонивор касалликдан тузалиб кетаркан.

Бундан ташқари, унинг силлиқ ва қаттиқ тана қисмидан қамчи дастаси тайёрланаркан. Зарурият туғилганда бу даста ҳам отнинг дардига даво бўларкан.

Ботаника боғида бу ўсимликни кўпайтириш устида иш олиб борилмоқда.

* * *

Машина билан тирик организм ўртасида асосан фарқ йўқ, деган фикр қадимдан мавжуд. XVII асрда яшаган машҳур француз олими Р.Декарт ер юзидаги барча жониворларни машина деб атаган эди. Декартнинг фикрича, инсонга жон ва нутқ ато этилганки, шу жиҳатдан уни машина деб бўлмайди.

XVIII аср француз олимлари яна-да олға кетдилар. Кўзга кўринган олим Ламеттри «Одам - машина» деган асарида фақат жониворларнигина эмас, балки одамларни ҳам машина деб ҳисоблайди. Бу фикр замирида «Оламда рўй берадиган барча ҳодисалар механик ҳаракатдан иборатдир» деган маъно ётарди.

Фан ожизлик қилган жойда адибларнинг қалами иш берди. Машҳур чех ёзувчиси Карел Чапек механик одамлар тўғрисида пьеса ёзди. Ёзувчи бундай одамларни «роботлар» деб атаган эди. Чапекнинг роботлари ташқи кўринишидан одамга ўхшайди, аммо уларнинг на ҳиссиётуйғуси ва на жони бор эди.

Дастлабки «ақлли» машиналар математика машиналари тариқасида юзага келди. Улар анча секин ишларди - секундига бир неча ўн операция бажарарди, холос. Ҳозирги электрон ҳисоблаш машиналари эса секундига бир неча юз минг операция бажара олади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.



ЎРГИЛАЙ

Ҳур, адолат гулшани, обод ватандин ўргилай,
Ёнган ул юрт ишқида ҳар жону тандин ўргилай.
Тупроғингни пок этиб, Оллоҳ табаррук айламиш,
Жисму жонингга яна нури-зиёсин жойламиш.
Ҳақ заковат қудрату куч ҳамда ризқ бермиш
сенга,
Тадбиру донолик билан ортди шараф-шонинг
яна.
Тан олур халқингни ҳатто Амриқо, Оврўпо, Чин,
Ҳам ўқув, идрок, билимда сезди ўзбекнинг
кучин.
Тинчлигинг, тотувлигингни доимо кўрсин жаҳон,
Жондин ортиқ, гул диёринг мадҳини қил
Гулжаҳон.

Гулжаҳон АБДУРАҲМОНОВА.

СПОРТЧИ АЁЛЛАР

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга жуда катта эътибор берилмоқда. Бунда айниқса, оммавий спортни ривожлантириш муҳим ўрин тутади.

Маълумки, республикамизда қабул қилинган «Соғлом авлод учун» Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш, аёлларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, соғлиқни сақлаш муассасаларида спорт ва оммавий жисмоний тарбияни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни фаоллаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимларининг I республика аёллар спартакиадасини ўтказиш лозим, деб топилган эди. Ушбу тадбирни ўтказишга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раҳбарлик ва ҳомийлик қилмоқдалар.

Спартакиадада спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, сузиш, волейбол турлари ҳамда оилавий жамоа: ота, она ва бола ўртасида ўтказилиши лозим бўлган спорт мусобақалари уч босқичда олиб борилади. Спорт турлари бўйича якуний мусобақалар шу йилнинг 15-18 апрел кунлари Жиззах шаҳрида бўлиб ўтиши мўлжалланган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Озодахон Муҳитдинова раҳбарлигидаги ташкилий қўмита жойларда мусобақаларнинг дастлабки икки турини ўтказиш, саралаш турлари ғолибларини аниқлаш бўйича катта ташкилий ишларни олиб бордилар. Ва ниҳоят, III якуний турга 200 нафарга яқин, спортнинг ўзлари танлаган турлари бўйича ғолиб бўлган аёллардан иборат 15 жамоа етиб келди.

Куни кеча спартакиаданинг якунловчи турини ўтказиш ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов бошқарди. Мажлисда спартакиадани ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-тадбирий масалалар кўриб чиқилди. Спорт мусобақаларини юксак даражада ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

— Соғлиқни сақлаш ходимларининг Аёллар спартакиадасининг якунловчи босқичи, — деди жумладан Қ.Рафиқов, — Жиззах шаҳридаги янги қурилган спорт мажмуасида 16 апрел куни тантанали равишда очилади. Спортчи аёлларимиз уч кун давомида шаҳардаги энг яхши спорт майдонлари ва сузиш ҳавзасида беллашадилар. Айни кунларда уларни кутиб олиш. жойлаштириш, қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

Спартакиада ғолибларини пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар кутмоқда. Сирасини айтганда, Жиззах шаҳри спортчи аёлларимизни кутиб олишга шай.

Шавкат ЁҚУБОВ.

Ажиб дунё

ЖАҲОННИНГ ЭНГ ЗЎР БОКСЧИСИ

Яқинда машҳур боксчи Эвандер Холлифилд журналистларга ўзининг англиялик Леннокс Льюс билан бўладиган жанги унчалик хавфли эмаслигини ва рақибини жуда тез «синдириши» мумкинлигини маълум қилди. Икки чемпион ўртасидаги учрашув шу йилнинг апрел ойида бўлиши керак. Ҳозирча ишқибозлар дунёнинг энг зўр боксчиси ким бўлишини интизорлик билан кутаяптилар. Эвандер бокснинг WBA ва IBF тақвимлари бўйича мутлақ чемпион бўлса, Леннокс WBC тақвими бўйича мутлақ ғолиб. Шундай қилиб икки боксчининг учрашуви умумий ғолибни кўрсатиб беради. Эвандернинг мақтанишига қарамасдан Льюсда бир нечта афзалликлар бор: у Эвандердан уч ёш кичик, 7 см баландроқ ва 14 килограмм оғир. Хуллас, масалани апрел ойида бўладиган жанг ҳал қилади.

ХОДДЛ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАДИМИ?

Англиялик футбол ишқибозлари ҳалигача миллий терма жамоаларининг Францияда ўтган жаҳон чемпионатидаги мағлубияти боис, жамоа бош мураббийси Гленн Ходдлни кечира олмайдилар. Бироқ Ходдлнинг яқинлашиб келаётган европа чемпионатида ҳам терма жамоани муваффақиятга олиб бориши гумон бўлиб турибди. Матбуот омадсиз бу мураббийни танқид остига ола бошлади. Журналистлар «Ходдлни мардларча ўз хоҳиши билан истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар» Ходдлнинг ҳимоячиси сифатида Лори Макменеми: «Гленн Ходдл жуда кучли одам, агар бутун кучини бир жойга тўпласа, жамоани ғолибликка элтиши тайин», деди. Макменеми эса жуда кам адашади.

А. БОБОЕВ тайёрлади.

Саломатлик посбонлари

АЛЛО, БУ «ТЕЗ ЁРДАМ»МИ?

Телефон жиринглади. Гўшакни кўтарган навбатчи аёл дафтарга нималарнидир қайд қилар экан, Муяссар унга «тинчликми?» дегандек савол назари билан тикилди.

— Тез ёрдам кўрсатиш керак... Беморнинг нафаси сиқилиб, оғир аҳволда ётганмиш.

— Исми шарифи, — яна шошилиб сўради Муяссар навбатчидан.

— Феруза Ҳолхўжаева. Ёши 36 да. 5-тор кўча, 24-уйда истиқомат қилар экан.

— Ҳозир етиб бораман, — дея Муяссар Алимбекова бемор учун зарур дори-дармонларни олиб ташқарига йўл олди.

Бу Зангиота туманидаги тез тиббий ёрдам бўлими ҳаётидан бир лавҳа. Иссиқ жон эмасми, деярли ҳар куни кимдир шифокорлар йўлига кўз тикади.

— Биз асосан Алишер Навоий номли жамоа хўжалигидаги 10 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатамиз, — дейишди шифокорлар. — Қишлоқ шароити эмасми, баъзида оғир касаллар ҳам мурожаат этишади. Яхшики, катта фельдшеримиз Муяссар Алимбекова каби жонсарак кишилар ишлашади. Ёш бўлишига қарамай, кўпчиликка бош бўлган бу куйинчак, одамлар соғлиги учун қайғурадиган аёлдан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Касбимиз шунақа: ишга ўта жиддий муносабатни тақазо этади. Лекин шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак, — дея бироз ўйланиб қолди мураббий Қудратилла ака. — Бизга битта эски РАФ машинаси бириктирилган. Бир кун ишласа, икки кун таъмирда. Беморнинг уйи яқин бўлса яхши, пиёда борилади ёки велосипед асқотади. Узоқ бўлса-чи...

Суҳбатимизга Муяссар Алимбекова ҳам қўшилди.

— Ҳозир бизда хизмат қилаётган тиббиёт ходимларини ҳақиқий фидойилар, дегим келади. Ёзнинг иссиғи, қишнинг совуғига ҳам чидашади. Мен ўзим тез тиббий ёрдам бўлимидан икки юз метр нарида яшайман. Кечаю кундуз уйдан беморлар аримайди. Ахир маҳалладош бўлганингдан кейин «йўқ» деб бўладими. Қорми, ёмғирми, кечасими, кундузими сумкани кўтарганча беморникига жўнаймиз. Тўғри, бундай вақтда ҳеч ким бизни мажбурламайди. «Йўқ» дейишга эса кишининг виждони йўл қўймайди.



— Бу касбни қандай танлагансиз? — дея сўраймиз Муяссардан.

— Чирчиқдаги ҳамширалар билим юртини битиргач, турмушга чиқдим. Мана, 18 йилдирки, шу ердаман. Турмуш ўртоғим ҳайдовчи. Уч нафар фарзандим бор.

— Фарзандларингиз она касбини танлашмаганми?

— Ҳали мактабда ўқишади. Танлашса... қийин касб. Эртаю кеч тиним билмайди киши. Лекин кишининг инсонларга фойдаси тегиб яшашининг ўзи бахт. Гоҳида ишдан чарчаб турганингда беморнинг биргина «раҳмат» деган сўзи куч-қувват бағишлайди. Яқинда бизга А.Раҳимов деган беморнинг аҳволи оғирлашгани ҳақида хабар бериб қолишди. У аввал жигар саратони касалига чалинган эди. Магнезийдан укол қилдик. Яна бир неча хил дармон дори берилди. Бемор бир мунча ўзига келгач, машинага ўтқазиб, Республика Автомобил транспорти вазирлигига қарашли тиббий санитария қисмига олиб бордик. Навбатчи шифокор фалон уколни қилдингизми, дея сўради. Ҳамма нарса қилинган экан, унда нега бу ерга олиб келдингиз,— дея жаҳли чиқди унинг.

Демоқчиманки, оқ халатли кишилар орасида баъзан шундай оқибатсиз, масъулиятсиз, тани бошқа дард билмайдиганлар ҳам учраб туради.

Суҳбат орасида гапдан гап чиқиб, жамоа хўжалиги ҳудудидаги Ҳусан Абдуллаев номли маҳалла оқсоқоллар кенгашининг раиси Зоҳид Туробов ўз ҳисобидан машина мойи ва бензиндан ёрдамлашиб турганлигини, шунингдек, Навоий номли жамоа хўжалиги раиси Ҳамидулло Шукуров шундай мадад кўрсатаётганлигини эшитиб мамнун бўлдик.

Шу пайт телефон жиринглади. Муяссар биз билан хайрлашар экан:

— Узр, бизни чақиришаяпти, — дея навбатчилик хонасидан чиқиб кетди.

Биз уни кузатиб қолар эканмиз, шоирнинг «Шундайлар бўлмаса агар дунёда...» деган сатрлари ёдимизга тушди. Ҳақиқатдан ҳам мана шундай куйинчак, ўзгалар ҳаёти учун қайғурадиган, ўз касбининг фидойилари бўлган кишилар билан гўзалда бу ҳаёт.

Неъмат РАФИҚОВ.

Қилмиш-қидирмиш

ОЛИЙ ЖАЗО БЕРИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати Нукус шаҳрида истиқомат қилган Александр Страдубцев ва Владимир Гутаревларнинг жиноий ишини кўриб чиқди.

Бу жиноятчилар ўтган йил 22 июл куни Нукус шаҳридаги 61-кварталда яшовчи Дилором Худойберганованинг хонадонига келиб, унинг опаси Ася Худойберганова билан бирга спиртли ичимликлар ичишади. Кайфлари тарақ бўлган А.Страдубцев ва В.Гутаревларнинг нияти бузилиб, опа-сингилларнинг пулларига эга бўлиш мақсадида уларни ваҳшийларча ўлдирадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди коллегиясининг қарорига биноан А.Страдубцев олий жазога ҳукм қилинди. В.Гутарев эса умрининг 18 йилини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

САВДОДАГИ ҒАВҒОЛАР

«Зангори экран» фирмасининг бошлиғи Ғ.Бозоров Нишон туман солиқ инспекцияси ходимларини хушламайгина кутиб олди. Пештахталар кўздан кечирилганда эса, 5800 сўмлик 112 қути акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари, каттагина миқдордаги спиртли ичимликлар рухсатномасиз сотилаётганлиги аниқланди. Натижада бошлиқ 5500 сўм, дўкон сотувчиси М.Бозорова эса 3300 сўм жарима тўладилар.

«Нуристон» жамоа савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли универсал дўконида 438 қути эски русумдаги акциз маркаси ёпиштирилган тамаки маҳсулотлари сотилаётган бўлса, 2-сонли дўконда эса тамаки маҳсулотларига умуман акциз маркаси ёпиштирилмаганлиги маълум бўлди. Таллимаржон тайёрлов савдо фирмасига қарашли 2-сон, Чўли Бегимқулов номли жамоа ширкат хўжалигида жойлашган 7-сон, «Тоҳир» фирмасига қарашли 1-сон дўконларида, Таллимаржон очиқ савдо ҳиссадорлик жамиятининг «Наврўз» ошхонасида сотилаётган ароқ, вино ҳамда тамаки маҳсулотларининг биронтасига ҳам акциз маркалари ёпиштирилмаган. Ҳайрон қоласан киши: Республика Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақдаги қарорлари уларга тегишли эмасмикан?

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

«ILM RIVOJI»
Ўқув фирмаси

«ИНГЛИЗ ТИЛИ»га ихтисослаштирилган бир йиллик ўқув курсига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Унда «Таржимонлик» мутахассислигига тайёргарлиги бўлмаган шахслар ўқитилади

Дарслар ўзбек тилида олиб борилади.

Машғулотлар тугагач, 3 тилда «Таржимонлик мутахассислигига эга» деб ёзилган диплом берилади.

Машғулотлар 23 апрелдан соат 15.00 да бошланади.

Мурожаат учун телефонлар: 55-24-99, 54-39-72.

Манзил: Тошкент шаҳар, «Халқлар дўстлиги» шоҳкўчаси, 44-уй, 9-қават.

Мўлжал: М.Улуғбек метроси бекатидан учинчи 9 қаватли бино, «Меҳнат резервлари» спорт мажмуаси қаршисида.

ТАШКИЛОТ

Қуйидаги тиббий ускуналарни ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмларни

СОТАДИ:

. 70x70 ҳажмли флюрография плёнкаси ва 30x40 ҳажмли рентген плёнкаси. ***Германия маҳсулоти.***

. 15 литрли фиксаж проявителлари. ***Россия маҳсулоти.***

. 105x55 ҳажмли полипропилен қоплари. ***Туркия маҳсулоти.***

. Металл қуймалар, зангламайдиган тунукалар, қувурлар, озиқ-овқат учун ишлатиладиган тунукалар ***(консерва банка қопқоқлари учун),*** *«Т-170» русумли тракторлар, автогрейдерлар.*

«П-702» русумли лемех.

«Алоқа- 500» русумли ультратовушли диагностика аппаратлари (УЗД).

СОТИБ ОЛАДИ:

. «Прима» момиғи (вата) ва кунжут.

. Ўзаро ҳамкорликка асосланган барча таклифларни кўриб чиқади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ғани Мавлонов кўчаси, 52/2 - уй.
Тел: 342758, 344769, пейджер (067) 4184

ОНА АЛЛАСИДАН УЛҒАЯР ДУНЁ

Жиззах шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан Бобур номли маҳаллада аёлларнинг маънавий баркамоллигини, келажак авлодни тарбиялашдаги ролини янада ошириш учун «Она алласидан улғаяр дунё» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Қайнона ва келинлар иштирокида аллалар, кўҳна қўшиқ ва лапарлар янгради.

Шунингдек, маҳалла фахрийлари сўзга чиқиб, ёшлар таълим-тарбияси, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари тўғрисида тўхталдилар.

Кўрик-танлов ғолиблари ва маҳалла фаолларига шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ҳолбуви Мансурова қимматбаҳо совғалар топширди.

О.САИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ ISHONCH

Бош муҳаррир:
Мирғиёс ҚАЮМОВ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-19-11. Қумқўрғонда - 54-3-58.

Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0289. Нусхаси — 18.090.